

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Мамлакат статистика салоҳиятини юксалтириш ва миллий статистиканинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.*

## ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ташкил этилган анжуманда қўмита раисининг биринчи ўринбосари Б.Мирусманова мамлакатнинг иқтисодий ён, иқтисодий ҳаётда муҳим ўзгаришлар ва кенг қўлланма ис-лохотлар олиб борилаётгани, айниқса йилларда иқтисодийнинг бошқа тармоқлари қатори-да статистика соҳаси ҳам тубдан ислох қилиниб, унга халқаро стандартлар ва янги янги таъри-блар кенг тарғиб этилаётганини таъкидлади.

Бунинг учун 10 дан ортиқ маърузий ва 30 га яқин иқтисодий тижизлар қабул қилинди. Улар-нинг барчаси жамланган ва халқаро ташки-лотлар олдида мамлакатимизда соҳа-соҳага очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган. Шунингдек, статистик маълумотлар-ни тарқатиш бўйича чекловлар олиб ташланди, материалларни янги қўллада дорабарлаш ма-салага алоҳида эътибор берилмоқда.

Статистик методологияни такомиллаштириш ва халқаро индустрига меклаштириш борасида ҳам кенг қўлланма ишлар олиб борилаётганини қайта эътибор қилиш керак. Бу ишларга жаман мамла-сидда янги ҳисобланган халқаро ташкилотларнинг эк-спертлари жалб этилган.

Мамлакатимиз статистик кўрсаткичларини жа-лон миқёсида тўри ва туник аниқ эътириш бўйи-ча салоҳли ишлар амалга оширилмоқда. Жў-ладан, 12 та ҳилқаро ташкилотнинг 26 турдаги саволномаси асосида маълумот алақашинуви йўлга қўйилди. Халқаро валюта қамгармасининг хонгайтирилган маълумотларни тарқатиш ўку-вий тизимига ўланлиди. Маълум тизим доира-сида 422 турдаги индикаторлар ўлон қилиб борилиши йўлга қўйилди.

Очиқлик ва ошқоралиқни таъминлашда ом-мавий ахборот воситалари билан самарали ҳам-корлик йўлга қўйилган. Жўрий йилнинг боши-дан қўмита томонидан республикамизнинг мар-казий телеканаллари орқали саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва инвестициялар, ташқи сав-до ва бошқа соҳаларнинг кўрсаткичларини аниқ ва эътиришга қаратилган 50 дан зиёд маълум-от-графика видеороликлари нақойиш этилди.

Бўқдан ташқари, жўрий йилнинг январь ойи-дан бошлаб мамлакатимизнинг марказий деҳ-қон бозорларида сотиладиган баъзи озиқ-овқат маълумотларининг нархлари ҳақида ҳам ҳафта-лик аналитиклар ўлон қилинмоқда.

**Эиёда РАСУЛОВА**

# АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШДА КУЗАТУВЛАРНИНГ ЎРНИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида "Аҳоли турмуш даражасини баҳолашда танланма кузатувларнинг ўрни" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

Анжуманда республикаимиз аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ўрганиш мақсадида давлат статистика органлари томонидан ҳар йили уй ҳўжаликларида танланма усулда кузатувлар ўтказилиши таъкидланди. Ўз навбатида, уй ҳўжаликларида кузатув ўтказиш услубиети Жаҳон Банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий комиссиясининг тавсиясига асосланган. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бир йилда жами 10 000 та уй ҳўжалигида кузатув ўтказилади.

Бундай кузатувнинг мақсади аҳоли даромади ва харажатининг таркибини аниқлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли, яшаш шароитлари, бандлиги, соғлиги, таълим даражаси ва бошқа маълумотларини йиғишдан иборат. Шунингдек, истеъмоил нархлар индекси (ИНИ) ҳисоблаш учун уй ҳўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиши ва умумий харажатлари таркибини шакллантириш ҳамда ҳукуматга уй ҳўжаликлари турмуш тарзи даражасини таҳлил қилиш учун доимий ва ишончли маълумотлар билан таъминлаш мақсадида мазкур кузатувлар олиб борилади.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни яхшилаш ва ишончли статистик маълумотлар билан таъминлаш учун 2018 йил давомида ЮНЕСКО ва Халқаро электралоқа иттифоқининг сўровига асосан аҳолининг саводхонлиги, таълим даражаси ҳамда уй ҳўжаликларининг АКТ воситаларидан фойдаланиш, уланш имкониятлари бўйича саволномалари тўлдирилган ҳолда таҳдим этилган.

Жумладан, 2018 йил уй ҳўжаликлари кузатуви натижаларига кўра, Интернет тармоғига уланш имко-

нияти мавжуд уй ҳўжаликлари улуши 80,9 фоизни ташкил этди. Интернетдан фойдаланувчи 10 ёш ва ундан катта шахсларнинг улуши 55,2 фоизни, улардан эркаклар 60,4 фоизни, аёллар эса 50,2 фоизни ташкил этмоқда.

Кузатув саволномаси бўйича сўров ўтказиш дастури уй ҳўжаликлари аъзоларининг демографик хусусиятлари ва таълим даражаси, турар-жой шароитлари, коммунал хизматлар билан таъминланганлиги, ҳўжалик фаолиятини юргизиш шароитлари, оиланинг умумий даромадлари ва тушумлари манбаларини ўрганади. Шунингдек, ишлаб чиқариш фаолияти, имтиёзлар, ноистеъмоил харажатлар ва тўловлар, узок муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлиги, уй ҳўжаликларида муқобил энергия манбаларининг мавжудлиги ва уй ҳўжаликларида АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини аниқлайди.

Матбуот анжуманида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йилда қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида кун тартибига БМТга аъзо давлатлар қаторида Ўзбекистон қўшилганлиги тўғрисида маълумот берилди. Ушбу кун тартиби ўз ичига глобал даражадаги 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган 17 та мақсад ва 169 та вазифаларни қамраб олади.

Барқарор ривожланиш соҳасидаги амалга ошириладиган харажат режаси инсонлар, сайёраимиздаги барча тирик жонотлар манфаати йўлида уларнинг фаровонлиги ва раванқ топишига хизмат қилади. Шу ўринда барқарор ривожланиш мак-

садларининг асосий тамойилларидан бири ҳеч кимни четда қолдирмасликдир, яъни жамиятдаги ҳар бир шахснинг ёши, жинси, иқтимоий ҳолати, миллатидан қатъий назар барчага тенг имкониятлар яратиш ҳисобланади.

Тадбирда бу борада республикаимизда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида 16 та миллий мақсад ва 125 та вазифа тасдиқланганлиги ҳамда жорий йилда тегишли вазирлик, идоралар ва БМТ агентликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 206 миллий индикаторлар тасдиқланганлиги таъкидлаб ўтилди. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришгани мониторингни юритиб бориш мақсадида БМТ тарафидан дастури кўмағида алоҳида веб-сайт ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.

Шу билан бирга бу борада амалга оширилаётган ишлар қалғусида халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда давом эттирилиши айтиб ўтилди.

Матбуот анжумани якунида давлат статистика органларида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда бўлаётган иқтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва ислохотлар тўғрисидаги очиқ ва ҳаққоний маълумотларни халқаро ташкилотларнинг маълумотлар базалари ҳамда етакчи халқаро рейтингларда акс эттирилишини таъминлаш эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Зиёда РАСУЛОВА